ОЛАМ ВА ОДАМ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ШАРҚОНА МОДЕЛИ

С.Д. Қуронов

Мақолада олам ва одам концепциясининг муттоз адабиёт ҳамда замонавий ўзбек насридаги ўзига хос модели хусусида сўз боради. Тасаввуф таълимоти асосида шаклланган «Шарқ модели»нинг жаҳон ва ўзбек адабиётига таъсири масаласи айрим асарлар мисолида очиб берилган.

Калит сўзлар: *олам ва одам концепцияси, постмодернизм, муттоз адабиёт, замонавий адабиёт, ўзбек насри, парадигма.*

В статье рассматриваются своеобразные художественные модели человека и мира в классической и современной узбекской литературе. На примере отдельных произведений показано влияние «восточной модели», сформировавшейся под влиянием суфизма, как на узбекскую, так и на мировую литературу.

Ключевые слова*: концепция мира и человека, постмодернизм, классическая литература, современная литература, узбекская проза, парадигма.*

The article deals with original artistic models of man and the world in classical and modern Uzbek literature. The example of individual works shows the influence of the «eastern model», formed under the influence of Sufism, both in Uzbek and world literature.

Key words*: conception of the world and man, postmodernism, classical liberature, modern literature, Uzbek prose, paradigm.*

Ижодкор қайси даврда яшамасин ўзи ёзган асарда олам ва одам муносабатларининг уйғунлигига интилади. Зеро, унинг асарига бериладиган баҳо ҳам шу икки қутбнинг ўзаро уйғун, айни вақтда, зиддиятли муносабатларининг бадиий ифодаси билан боғлиқ. Ижодкор хоҳ роман ёзсин, хоҳ ҳикоя, хоҳ бир мисра шеър – барида у сизу бизга таклиф қилаётган олам ва одам концепциясининг инъикоси мавжуд.

Ижодкор ўз асарлари билан олам ва одам муносабатларининг кичик модели, ўзига хос концепцияни яратишга уринаркан, яшаб турган даври, ижтимоийлик мезонларидан у қадар узоқлашиб кета олмайди. Шу маънода, айтиш мумкинки, муайян бир давр, миллат, дин ва жамиятга мансуб ижодкорларнинг адабий концепцияси бир-бирига ўхшайди. Шундай экан, адабиётда олам ва одам концепцияси муаммосини ўрганиш, шу за-

мон ижодкорларининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий тарафдан умумийлик касб этган ўринларини кашф этишга, адабий асарни янада чуқурроқ, теранроқ англашга кўмак беради.

Бир қарашда бугунги адабиётда муайян умимийликни белгилаш қийин туюлади. Зеро, глобализация даврида хилма-хил ғоялар, қарашлар ҳукмрон. Бу эса адабиётда ҳам ўз аксини топиб, ундаги ранг-баранглиқни таъминлаб турибди. Аммо шу ранг-баранглиқда муайян ўхшашликни, бир-бирига яқин адабий концепцияларни учратиш мумкин.

Машҳур рус адабиётшуноси Юрий Борев *«Янги давр – янги парадигмалар демакдир»* [4.160], деб ёзади. У инсоният тарихидаги парадигмаларни тартиби билан санаркан, сўнгги, модернизмдан кейинги (ҳозирги) даврни «Шарқ модели» деб атайди. Унга кўра: «*Шарқ маданиятлари олға сураётган парадигма жамият ҳаётининг идеал ва мақсадларини кўрсатмайди, балки донишмандлик ва пуртадбирлик ила унинг йўлини белгилаб беради*» [4.160]. Яъни Шарқ фалсафасига кўра, инсон камолоти унинг идеалга етишгани билан эмас, балки шу идеалга етишиш йўлидаги иродали ҳаракатлари билан ўлчанади. Биз бу фикрнинг тасдиғини Шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввуф ғояларида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, мумтоз адабиётнинг марказида комил инсон образи турган. Тасаввуф таълимотидан илҳом олган ижодкор комил инсон, аксар ҳолларда, шу комилликка эришиш йўллари ҳақида асар ёзади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ҳамда Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарларини келтириш мумкин. Бу асарларда комиллик рамзи бўлмиш Семурғ қушини излаб йўлга отланган қушлар тақдири баён қилинади. Тасаввуф таълимотида комилликка етишнинг етти босқичи (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фано) бўлгани каби, асарлардаги қушлар ҳам Семурғга етиш учун етти водийни босиб ўтадилар. Йўл давомида турли синовлардан ибрат олган қушларнинг маънавий даражаси ўсиб боради. Улар манзилга етиб келганларида эса Семурғни топа олмайдилар. Аммо ўзларининг Семурғ даражасида эканини ҳис қиладилар. Кўринадики, Аттор ва Навоийнинг ижодий мақсадида комилликка таъриф беришдан кўра унга олиб борувчи йўлни кўрсатиш бирламчи саналган. Айни шу жиҳат шарқ мумтоз адабиётида олам ва одам концепциясининг моделига айланган.

Юрий Борев ҳозирги дунё парадигмасини «Шарқ модели» деб атаганда мутлақ ҳақ эди. Зеро, бугун жаҳон адабиётида ҳам Шарқнинг юқорида биз айтиб ўтган бадиий модели оммалашган. Хусусан, дунёнинг 130 дан ортиқ тилига таржима қилинган Пауло Коэльонинг «Алкимёгар» романида айни шу моделни кўриш мумкин. Роман қаҳрамони Сантяго тушида Миср эҳромлари яқинида кўмилган хазинадан хабар топади. Бу тушни икки қайта кўрган хаёлчан Сантяго таваккал қилиб йўлга тушади. Йўл давомида турли саргузаштларни бошдан кечирган қаҳрамоннинг дунёқараши ҳам ўзгара бошлайди. Манзилга етиб борганда эса у салкам донишмандга айланади. Миср эҳромлари яқинида қароқчилар қўлига тушган Сантяго уларга ўз мақсадини айтганда кулгига қолади. Қароқчиларнинг бири ҳам тушида Испаниядаги черков ҳовлисида хазина кўмилганини кўрганини, аммо у ёқларга бориш учун Сантяго каби аҳмоқ эмаслигини айтади. Аслида, Сантяго излаган хазина шу эди. Сантяго ватанига қайтади ва айтилган жойни қазиб, хазинани, мажозий маънода ўзлигини топади. Бу ҳақида адабиётшунос З.Исомиддинов шундай ёзади: «Асар муваффақиятининг сабаби фақат шу эмас. У сюжети билан ҳам Шарқ кишилари руҳиятига мос тасаввуфий бир маънога эга: қаҳрамон солик идеалига етмоқ учун сайр-саёҳатга чиқади, аммо барча машаққатларни бошидан ўтказганидан сўнг маълум бўладики, унинг излагани олисда, ўзга маъволарда эмас, ватанида, қалбида, ўзида экан» [1.2]. З.Исомиддинов бу борадаги фикрларини давом эттираркан, Пауло Коэльо «Алкимёгар» романини ёзишда Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридаги кичик ҳикоятдан илҳомланганини айтади. Румий ҳикоясида ҳам бағдодлик бир фақир киши туш кўради. Тушида биров унга «Ҳув фалон манзилда мадфун симу зар, Лозим ўлгайдир бироқ азми сафар» дейди. Шу тариқа фақир киши Мисрга йўл олади. Хазинани излаётганда миршабнинг қўлига тушиб қолади. Миршаб вазиятдан хабар топгач айтади:

«Яхши одамсен, вале нодону гўл.
Тушни деб не шунча йўллар босганинг,
Бормидир, ҳой, зарра ақли равшанинг?
Неча карра мен-да туш кўрдим, жигар,
Дедилар: Бағдоддан изла симу зар».

[2.272]

Шу тариқа миршаб фақир кишининг ўз уй манзилини айтиб беради («Алкимёгар»да деярли шунга ўхшаш ҳолат қаламга олинган). Алқисса, Фақир ҳам излаганини ўзидан топади.

Ҳозирги ўзбек насрида ҳам олам ва одам концепциясининг шарқона-мумтоз модели асосида ёзилган асарлар талайгина. Хусусан, Исажон Султон ва Улуғбек Ҳамдам асарларида Шарқ мумтоз адабиёти, фалсафасига хос ғояларнинг янгича

талқинларини учратиш билан бирга, ёзувчиларнинг бу шарқона ғоялар теграсида бирлашганини кўриш мумкин.

Ёзувчи Исажон Султоннинг «Озод» романини ўқир экансиз, мусулмон шарқига хос дунёқарашнинг замонавий фалсафий ифодасига дуч келасиз. Унда бугунги глобал дунёда ўзлигини йўқотаёзган инсониятнинг саодатга эришиш йўли хусусида сўз боради. Романининг сюжети ҳам «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр» асарларининг сюжетига жуда яқин туради. Қушлар Семурғни излаб етти водийни босиб ўтгани каби роман қаҳрамони Озод ҳам бахту саодатга етказувчи сирли лолани излаб етти масканни босиб ўтади: *«Йўл аниқ: Учёнғоқдан ошиб ўтилса, ундан нарида Туз чўлию Ойдинкўл бор. Ойдинкўлдан ҳам нарида яйдоқ биёбон, биёбон ортида эса тошлоқлар ястаниб ётади. Кейин тоғу тош бошланиб кетади, янаям ичкарироқда, икки тоғ орасида сип-силлиқ баланд қоялар бўй чўзган, ўша қояларнинг энг тепасига чиқиб борилса бас»* [3.7]. Биргина шу мисолдан англаш мумкинки, ёзувчи одам ва олам моҳиятини идрок этиш йўлида шарқ мумтоз адабиётига, аниқроғи, тасаввуф таълимотига таянади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Исажон Султон Аттор ва Навоий анъанасига таяниб асар воқеаларини муайян йўлда тасвирлайди. Роман қаҳрамони ҳам бахтнинг тимсоли лолани қидириб йўлга чиқаркан, манзилга қадар турли воқеалару синовларни бошидан кечиради. Ахийри, манзилга етган Озод лоланинг ўзидай ночор, унинг ўзидай бахтга орзуманд махлуқот эканлигини кўриб барига тушунади: «Бахту саодат нима эканини энди-энди англамоқдаман... йўлимда учраган ҳамма нарса аслида хулоса чиқаришим ва маънисини англашим учун атайлаб йўлларимга сочиб қўйилганини ҳам тушуняпман». Озод ўзидаги мислсиз кучни юртига қайтгандагина ҳис қилади. Айни шу жиҳатлар роман сюжетини Шарқ мумтоз адабиёти намуналарига туташтиради.

Таниқли адиб Улуғбек Ҳамдамнинг кейинги ижодий фаолияти ҳақида кенг тасаввур берувчи «Лола», «Бир пиёла сув», «Пиллапоя», «Сафар» каби ҳикоялари ҳам олам ва одам концепциясининг «Шарқ моделига» тўла мос келади. Бу ҳикояларни бир туркумга мансуб дейиш мумкин. Янада аниқлик киритсак, уларни «Йўл ҳикоялари туркуми» деб аташ мумкин. Чунки ҳар бир ҳикоя воқеалари муайян йўлда кечади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, асар сюжетида фақат йўлнинг ўзигина мавжуд бўлиб, ҳикояда унинг на боши, на охири аниқ ифодаланади. Айтайлик, «Лола» ҳикоясида қаҳрамон тоғлар ошиб бораркан, мақсади умрининг мазмуни бўлган лолани топиш эди. Лекин қаҳрамондаги бу истакнинг туғилиш сабаблари ҳам, якунда унинг заҳматлари натижаси ҳам асарда кўрсатилмайди. Қаҳрамон тўғридан-тўғри йўл устида намоён бўлади: *«Шундоқ рўбарўмда қоя – қиррадор тошли, тик ва баҳайбат»*. «Бир пиёла сув»да ҳам худди шундай ҳолга гувоҳ бўламиз: *«Менга вазифа юклатилган эди. Бироқ нима учун айнан менга? - билмайман. Ким ва қандай вазиятда топшириқ берди? - буни ҳам негадир эслай олмайман. Ёдимда қолгани – нимадир ортилган, иккита от қўшилган аравани шом тушгунга қадар манзилга элтишим зарур».* «Пиллапоя» ҳикояси қаҳрамони эса зинадан кўтарилаётган ҳолида тасвирланади. Ёзувчи бу зиналардан кўтарилаётган ва тушаётган одамлар тимсолида бутун инсониятнинг умр йўлини тасвирлашга уринади. «Сафар» ҳикоясидаги йўл эса бошқаларидан бироз фарқ қилади. Унда асар қаҳрамонлари қиз ва йигитнинг оролга келиб кетиши башарият қисматидаги йўлни ифодалайди. Адиб бутун тарихни кичик бир моделга жойлаб, аслида сафар инсоният ибтидосидан бошланганига ишора қилади. Умуман, бу борада ижодкорнинг мақсадини англаш қийин эмас. Яъни унинг учун тугал воқелик эмас, йўл муҳимроқ. Бошқача қилиб айтганда, сабаб ва натижа муносабатидаги хулосалар эмас, мавжуд жараён, ундаги рамзлар мақсадга айланган. Шу маънода «Йўл ҳикоялари туркуми» билан мумтоз адабиётимиз намуналари ўртасида кучли боғлиқлик бор. Бу асарларнинг барини маъни излаб, комиллик сари бораётган йўловчи образи бирлаштириб туради. Аммо Семурғни излаб бораётган қушлардан фарқли ўлароқ, бизнинг қаҳрамонларимиздан ҳеч бири ўз манзилига етиб бормаган. Айни шу жиҳат Улуғбек Ҳамдам концепциясини бугунги замонга, аниқроғи, постмодернизмга яқинлаштиради.

Ғарбда, умуман, бутун дунёда оммавий дидсизлик тобора кучайиб бораётган бир пайтда, бизнинг адабиётимизда бундай асарларнинг яратилаётгани, албатта, қувонарли. Ю.Борев «совуқ уруш тугаганидан сўнг бошланган янги давр башарият тарихида илк бор ҳеч қандай мавжудлик формуласига эга эмас» [5] деб ёзади**.** Яна бир рус санъатшуноси В.Микушевич постмодернизм инсониятга хаос ва бемаъниликдан ўзга нарса бера олмайди деб ҳисоблайди. Идеал ва олий мақсадлар инсоният ҳаётининг асл мазмунидир. Аммо бугунги дунё кайфияти ўз мавжудлигида ана шу маънининг борлигига шубҳа билан қарамоқда. Балки умумий олиб қараганда ҳам инсоният шунга ўхшаш кайфиятга тушиб қолгандир. Балки Ғарб кишиси мақсадсиз ва идеалсиз яшашга аллақачон кўникиб ҳам улгургандир. Лекин «Шарқ модели»га

кўра бундай эмас! Шарқ кишилари «маънисиз дунё»ни бироз бошқача тушунадилар.

Шарқ мумтоз адабиётида ҳам дунёнинг маънисиз эканлигига ишорат мавжуд. Яъни Шарқ кишиси учун доим тақдири азалнинг ҳақлиги, дунёнинг фоний эканлиги муҳим бўлган. Шу сабабдан у идеал ва маънони реал оламдан эмас, ундан ташқарида излаган. Худди шундай, гарчи у фоний дунёда маънисизликни кўрса-да, чинакам тартиб ва бутунликни идрок этиш учун инсон тафаккури ожизлик қилишига ҳам иймон келтира олади. Биз буни шаклда ҳар қанча янгиланмасин, ўз моҳиятида шарқона яшаш фалсафасини сақлаб қолган замонавий насримиз намуналарида ҳам кўрамиз. Бу асарларда оламни англаш йўлида инсон иродасидан ташқаридаги Кучнинг ифодаси, инсонни дунё чархпалагининг оддий, аммо кузатувдаги йўловчиси сифатида тасвирлашга бўлган ҳаракат мавжуд. Уларнинг қаҳрамонлари баъзан ўз мавжудлиги, манзили ва асл мақсадини идрок эта олмаса-да, маъни қидиришдан ҳеч қачон тўхтамайди.

Адабиётлар:

1. Исомиддинов З. Бир қатранинг фаввораси / ЎзАС.- 2009.- 3 апрель.
2. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: «MERIYUS» ХҲМК, 2010.
3. Султон, Исажон. Озод. – Т.: Шарқ, 2012.
4. Борев Ю. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси // Шарқ юлдузи.- 2011.- №4.- Б.158-163
5. Борев Ю. Парадигма современной эпохи//http//independent-academy.net/science/library/ideal1.html

Андижон давлат университети,
2018 йил 12 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Каримов)